



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

# ЎТМИШГА НАЗАР

8 ЖИЛД, 1 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 8, НОМЕР 1

LOOK TO THE PAST

VOLUME 8, ISSUE 1



ТОШКЕНТ-2025

**Бош мухаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош мухаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**  
тарих фанлари доктори,  
профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бобожонова Дилором Бобожонова**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари  
университети

**Юнусова Хуршида Эркиновна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Аширов Адхам Азимбаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Агзамова Гулчеҳра Азизовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Бурдиашвили Майя**  
тарих фанлари доктори,  
Телави давлат университети

**Кожакеева Ляззат Темировна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика  
университети

**Аминова Азиза Марковна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Навоий давлат педагогика институти

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**  
тарих фанлари доктори,  
Тошкент ирригация ва кишлок  
хужалигини механизациялаш  
муҳандислари институти  
Миллий тадқиқот университети

**Худайқулов Тулқин Дўстбоевич**  
Тарих фанлари доктори (DSc)  
Шаҳрисабз дала педагогика институти

**Гофоров Шоқир Сафарович**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Самарқанд давлат университети

**Эргашева Юлдуз Алимовна**  
Тарих фанлари доктори, профессор,  
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт  
институти

**Халикова Раҳбар Эргашевна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент давлат техника университети

**Ишанходжаева Замира Райимовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Эшов Боходир Жўраевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Қариш давлат университети

**Маҳкамova Надира Раҳмановна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент ахборот технологиялари  
университети

**Кебадзе Мадонна**  
тарих фанлари доктори,  
Телави давлат университети

**Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Нукус давлат педагогика институти

**Мустафасева Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари доктори  
Ўзбекистон Фанлар академияси

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Хайдаров Ғайратбек Мирзапўлатович**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Андижон давлат университети

**Расулов Абдуллажон Нуридинович**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Наманган давлат университети

**Ковалев Борис Николаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Санкт-Петербург Тарих институти

**Кобзева Ольга Петровна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Ауанасова Алима Мусировна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Қозогистон давлат тарихи институти

**Бегалинова Калимаш Капсамаровна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор,  
Қозогистон Миллий университети

**Хайдаров Муродилла Махмуталиевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Тожибоев Музаффар Турдибоевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ИИВ Академияси

**Алиева Лале**  
тарих фанлари доктори,  
Озарбайжон давлат университети

**Саипова Камола Давляталиевна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Исмаилова Алмаз**  
тарих фанлари доктори,  
Догистон мустақил университети

**Иноятова Диларам Маниглиевна**  
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор  
Ўзбекистон Миллий университети

**Дорошенко Татьяна Ивановна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети

**Ширванова Тарана Амирага кызы**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Азербайджон давлат  
иқтисодиёт университети

**Мирзалиев Улуғбек Бегмурзаевич**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), Гулистон  
давлат педагогика институти

**Нуруллаева Шоира Кушназаровна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Урганч давлат университети

**Толибоева Нодира Одилжоновна**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон  
жаҳон тиллари университети  
**Масъул котиб**

**Теймураз Ахалмосулишвили**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Телави давлат университети

**Джоробекова Айнур Эшимбековна**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Қозоғистон дипломатия академияси

**Рахмонқулова Зумрад Бойхураевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Исаков Бахадир Нигматуллаевич**  
тарих фанлари номзоди,  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети

**Холмуродов Дилшод Рашидович**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), Жиззах давлат  
педагогика университети

**Одилов Аброр Анварович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети  
**Масъул котиб**

**Тўхтабасв Аъзамжон Шарипхўжаевич**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доцент,  
Наманган давлат университети

**Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доцент,  
Наманган давлат университети

**Алимардонов Отабек Қудратович**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доценти  
Ўзбекистон Миллий университети

## МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT


<b>1. Гулчеҳра Агзамова</b> АШТАРХОНИЙЛАР СУЛОЛАСИ ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИДА АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОЙ АҲВОЛИГА ОИД АЙРИМ МАСАЛАЛАР (17-18-ЮЗЙИЛЛИК ЎРТАЛАРИ).....	5
<b>2. Ильдар Азизов</b> РАЗВИТИЕ МЕЖПАРЛАМЕНТСКОГО СОТРУДНИЧЕСТВА ОЛИЙ МАЖЛИСА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН С ПАРЛАМЕНТСКОЙ АССАМБЛЕЕЙ ОБСЕ.....	13
<b>3. Farangis Azimova</b> ЎРТА АСРЛАРДА ДАШТИ ҚИПЧОҚДА ЮЗ БЕРГАН СИЁСИЙ-ЭТНИК ЖАРАЁНЛАРНИНГ АМУДАРЁ – СИРДАРЁ ОРАЛИГИДАГИ ВОҲАЛАРГА ТАЪСИРИ..	19
<b>4. Феруза Амонова</b> XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИДА ҚОРАҚЎЛЧИЛИК ТАРИХИ (БУХОРО АМИРЛИГИ МИСОЛИДА).....	28
<b>5. Ikrom Djurayev</b> MARKAZIY OSIYODA QADIMGI KO‘CHMANCHI VA O‘TROQ AHOLINING O‘ZARO MUNOSABATLARI.....	34
<b>6. Фарходжон Исматуллаев</b> O‘ZBEKISTONNING YEVROPA ITTIFOQI BILAN HAMKORLIK ALOQALARI TARIXSHUNOSLIGINING AYRIM JIHLTLARI.....	41
<b>7. Dilshod Komolov, Shodiyor Do‘smurodov</b> O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA PROKURATURA IDORALARINING TASHKIL TOPISHI VA RIVOJLANISHI TARIXI (1991-2000 yillar misolida).....	49
<b>8. Dilshod Komolov, Murodali Xamdamov</b> O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SUD TIZIMINING RAQAMLASHTIRILISHI.....	56
<b>9. Pyosbek Mamatkarimov</b> SOSIALISTIK REALIZMNING O‘ZBEK ADABIYOTIGA KIRIB KELISHI TARIXI.....	64
<b>10. Yosin Ortiqov, Ra’no Ergasheva</b> QO‘QON SHAHRI TARIXI HAQIDA AYRIM MULOHAZALAR.....	69
<b>11. Ибрагимжан Ташматов</b> РЕЛИГИОЗНАЯ ТОЛЕРАНТНОСТЬ В УЗБЕКИСТАНЕ (История и современность).....	74
<b>12. Aziza Shotemirova</b> IKKINCHI JAHON URUSHI YILLARIDA SANOAT KORXONALARIDA O‘ZBEKISTON XOTIN-QIZLARINING O‘RNI (SAMARQAND VILOYATI MISOLIDA).....	80



**Farangis Shokirovna Azimova,**  
Sharof Rashidov nomidagi  
Samarqand davlat universiteti  
Tarix fakulteti Jahon tarixi kafedrası  
tayanch doktoranti

**ЎРТА АСРЛАРДА ДАШТИ ҚИПЧОҚДА ЮЗ БЕРГАН СИЁСИЙ-ЭТНИК  
ЖАРАЁНЛАРНИНГ АМУДАРЁ – СИРДАРЁ ОРАЛИҒИДАГИ ВОҲАЛАРГА  
ТАЪСИРИ**

**For citation:** Farangis Sh. Azimova. INFLUENCE OF POLITICAL AND ETHNIC PROCESSES THAT TOOK PLACE IN DASHTI KIPCHAK IN THE MIDDLE AGES ON THE OASIS BETWEEN THE AMUDARYA - SYRDARYA. Look to the past. 2025, vol. 8, issue 1, pp.19-27

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.14803426>

**АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақолада Ўрта Осиё асрлар мобайнида кўшни ҳудудлардан бўлган кўплаб миграция жараёнлари натижасида аҳолиси турли-туман этномаданиятларни ўзида жамлаган ҳудуд бўлганлиги илмий таҳлил этилган. Шунингдек, ўрта асрларда Дашти қипчоқда юз берган сиёсий-этниқ жараёнларнинг Амударё-Сирдарё оралиғидаги воҳаларга таъсири, “Дашти қипчоқ” атамасининг келиб чиқиш тарихи тарихий асарлар мисолида ёритилган. “Дашти Қипчоқ” ўрта асрларда асосан форс, араб ва туркий тилли ёзма манбаларда тилга олинган тарихий-географик атама бўлиб, бу атама турли тарихий воқеликлар билан боғлиқ равишда кенг ва тор маъноларда қўлланилганлиги ўрганилган. Айниқса, Шайбонийлар (1501-1601) даврида Волга – Оролбўйи, Сирдарёнинг қуйи ва ўрта оқимларида кўчманчи ҳаёт кечирган кўплаб туркий уруғларнинг Амударё – Сирдарё оралиғига келиб жойлашувлари минтақа аҳолиси таркибида катта ўзгаришлар бўлишига олиб келган. Ҳар иккала ҳудуднинг этниқ жиҳатдан умумийликка эга аҳолиси ўзаро яқинлашиб, аралашиб бориши натижасида ҳам маҳаллий халқларнинг консолидация жараёнлари кучайганлиги илмий асосланган.

**Калит сўзлар:** қипчоқ, уруғ, минглар, Амударё, Сирдарё, Зарафшон воҳаси, манба.

**Фарангис Шокировна Азимова,**  
Докторант кафедрaи всеобщей истории  
исторического факультета  
Самаркандского государственного университета  
имени Шарофа Рашидова

## ВЛИЯНИЕ ПОЛИТИКО-ЭТНИЧЕСКИХ ПРОЦЕССОВ ПРОИЗОШЕДШИХ В ДАШТИ КИПЧАКЕ В СРЕДНЕВЕКОВЬЕ НА ОАЗИС МЕЖДУ АМУДАРЬЕЙ - СЫРДАРЬЕЙ

### АННОТАЦИЯ

В данной статье научно анализируется, что Центральная Азия на протяжении веков была регионом с различными этнокультурами в результате многих миграционных процессов из соседних регионов. Также на примере исторических трудов освещено влияние политико-этнических процессов, происходивших в Дашти Кипчаке в средние века, на оазисы между Амударьей и Сырдарьей, происхождение термина «Дашти Кипчак». «Дашти Кипчак» — историко-географический термин, упоминаемый преимущественно в персидских, арабских и турецких письменных источниках в средние века, при этом изучено, что этот термин употребляется в широком и узком смысле в связи с различными историческими реалиями.

В частности, в период Шайбанидов (1501-1601 гг.) многие тюркские роды, ведшие кочевой образ жизни в нижнем и среднем течении Волги-побережье Аралья, рек Сырдарьи, переселились в Амударьино-Сырдарьинский регион, что привело к серьезным изменениям в состав населения региона. Научно доказано, что процессы консолидации местных народов усилились в результате сближения и смешения этнически общего населения обоих регионов.

**Ключевые слова:** кипчак, семя, мингы, Амударья, Сырдарья, Зарафшанский оазис, источник.

**Farangis Sh. Azimova,**

Doctoral candidate of the Department of General History  
of the Faculty of History  
of the Samarkand State University named after Sharof Rashidov

## INFLUENCE OF POLITICAL AND ETHNIC PROCESSES THAT TOOK PLACE IN DASHTI KIPCHAK IN THE MIDDLE AGES ON THE OASIS BETWEEN THE AMUDARYA - SYRDARYA

### ABSTRACT

This article scientifically analyzes that Central Asia has been a region with various ethnocultures for centuries as a result of many migration processes from neighboring regions. Also, using the example of historical works, the influence of political and ethnic processes that took place in Dashti Kipchak in the Middle Ages on the oases between the Amu Darya and Syr Darya, the origin of the term "Dashti Kipchak" is highlighted. "Dashti Kipchak" is a historical and geographical term mentioned mainly in Persian, Arabic and Turkish written sources in the Middle Ages, while it has been studied that this term is used in a broad and narrow sense in connection with various historical realities.

In particular, during the Shaibanids period (1501-1601), many Turkic clans who led a nomadic lifestyle in the lower and middle reaches of the Volga - the Aral coast, the Syr Darya rivers, moved to the Amu Darya-Syr Darya region, which led to serious changes in the composition of the region's population. It has been scientifically proven that the processes of consolidation of local peoples intensified as a result of the rapprochement and mixing of the ethnically common population of both regions.

**Index Terms:** kipchak, seed, Ming, Amu Darya, Syr Darya, Zarafshan oasis, source.

### 1. Долзарблиги:

Ўзбек халқининг этник шаклланиш тарихида XV аср охири XVI асрлар муҳим давр ҳисобланади. Ушбу босқичда Марказий Осиёга манғит, қўнғирот, найман, уйғур, сарой, катағон, қушчи, дўрмон, кенагас, қирқ, юз, минг, баҳрин ва бошқа Дашти Қипчоқ ўзбек этник гуруҳларининг навбатдаги тўлқини кириб келиши кучайган. Натижада Мовароуннаҳр

аҳолисининг этник қиёфасида мўғулий ирқ аломатлари ҳам фаоллашган. Дашти Қипчоқдан икки дарё (Амударё ва Сирдарё) оралиғи ва Хоразмга келиб ўрнашган этник гуруҳлар «ўзбек» номи остида маҳаллий аҳоли этник ранг-баранглигини бирмунча кўпайтирган бўлсалар ҳам, лекин унинг этник таркибини тубдан ўзгартира олмаган. Мавзунинг яъни, ўрта асрларда дашти қипчоқда юз берган сиёсий-этник жараёнларнинг Амударё – Сирдарё оралиғидаги воҳаларнинг ижтимоий-сиёсий ва этномаданий ҳаётида қандай ўзгаришлар юз берганини холис баҳолашда долзарб аҳамият касб этади.

## **2. Методлар:**

Мақолада тарихий методлардан холислик, қиёсий-мантиқий таҳлил, тарихий кетма-кетлик, тамойиллари асосида ўрта асрларда Дашти Қипчоқда юз берган сиёсий-этник жараёнларнинг Амударё – Сирдарё оралиғидаги воҳаларга таъсири илмий таҳлил этилган.

## **3. Тадқиқот натижалари:**

Ўрта Осиё бир неча асрлар мобайнида қўшни ҳудудлардан бўлган кўплаб миграция жараёнлари натижасида аҳолиси турли-туман этномаданиятларни ўзида жамлаган ҳудуд сифатида билинади. Милоддан олдинги сўнгги мингйилликдан то милоднинг сўнгги асрларигача минтақа ўнлаб йирик миграциялар, юзлаб катта-кичик кўчишлар учун муайян бир макон вазифасини бажариб келди. Айниқса, ўрта асрларда Дашти Қипчоқ ҳудудидан Ўрта Осиёга бўлган навбатдаги миграция тўлкини минтақа халқлари этномаданиятида сезиларли ўзгаришлар юз беришига олиб келган.

“Дашти Қипчоқ” ўрта асрларда асосан форс, араб ва туркий тилли ёзма манбаларда тилга олинган тарихий-географик атама бўлиб, бу атама турли тарихий воқеликлар билан боғлиқ равишда кенг ва тор маъноларда қўлланилгани кузатилади. Шунингдек, бу атама дастлаб кўпроқ туркий ва кейинчалик эса асосан турк-мўғул негизли юзлаб уруғлар учун макон бўлган ҳудуд сифатида билинади[1]. Шу билан бирга, бу ҳудуд асосан туркий, славян, фин-угор, кавказлик турли элатлар, осетин (эроний) ва мўғул аҳоли яшаб келган географик макон сифатида ҳам маълум бўлган. Улардан айримлари Дашти Қипчоқнинг нисбатан кенг ҳудудларида тарқалган элатлар бўлса, айримлари эса бирмунча кичик ҳудудларида истиқомат қилувчи элатлар сифатида билинган. Масалан, туркийлар Дашти Қипчоқнинг деярли барча ҳудудларида тарқалган бўлсалар, славянлар, айниқса, руслар Дашти Қипчоқнинг ғарбий қисмларида, кавказликлар эса ўлканинг жануби-ғарбий ҳудудларида яшаганлар.

Дашти Қипчоқ ҳудудининг географик чегаралари тўғрисида олимлар турлича фикр билдирадилар. Масалан, Б.Аҳмедов Дашти Қипчоқ ҳудуди деб, асосан, Сирдарёнинг қуйи оқими ва Балхаш кўлидан то Днепр дарёсининг қуйи оқимларигача бўлган жойларни кўрсатган бўлса, айрим тадқиқотчилар Дашти Қипчоқ чегаралари Сирдарёнинг қуйи оқими ва Балхаш кўлидан ортиб то Дунай дарёсининг қуйи оқимигача бўлган ҳудудлар билан чегараланганига урғу беришади. Дашти Қипчоқ айрим илмий адабиётларда икки қисмга ажратилган ҳолда белгиланиб, унга кўра, бу бу ўлка шарқий ва ғарбий қисмга ажратилган. Волга ва Урал дарёси ҳар иккала қисм ўртасида табиий чегара вазифасини бажарган. Ҳар иккала қисм – Ғарбий Дашти Қипчоқ ва Шарқий Дашти Қипчоқ Олтин Ўрда таркибида бўлган. Ғарбий Дашти Қипчоқ рус ва Шарқий Европа манбаларида «Половецлар дашти» ёки «Куманлар ери» деб аталган[2].

Тадқиқотчиларнинг фикрича, турли даврларда Дашти Қипчоқ чегаралари ўзгариб туриб, қатъий чегараланмаган ва доимий бўлмаган. Ғарбда ва жанубда бу чегаралар Карпат ва Кавказ тоғлари, Қора денгиз ҳамда Каспий денгизи, Рус ерлари ва Волга булғорлари ҳудудларигача етиб борган. X-XII асрларда Дашти Қипчоқ қабилалари – половец, торки (уз), беренди, “қорабўркли” (черные клобуки), куман каби асосан қипчоқ, қисман эса ўғуз уруғлари ғарбда то Дунай дарёсигача етиб боришган[3]. XII аср бошларида Дашти Қипчоқдаги печенег қабиласи Болқон ярим оролига кириб бориб, бу ерга илк ўрта асрларда кўчиб борган булғор ва турли хун уруғлари билан бирга туркий элатларнинг салмоғи ошишига ўз улушларини қўшганлар.

Дашти Қипчоқнинг ғарбий чегаралари XII-XIII асрларга келиб Дунай дарёсининг қуйи оқимлари ва Қора денгиз бўйларига етиб борган. XIII асрнинг иккинчи чорагида Чингизийлар қўл остидаги турк-мўғул қўшинларининг Шарқий Европани эгаллашлари натижасида Дашти Қипчоқнинг кунботардаги худудлари Карпат тоғлари, Болқон ярим оролининг шимоли-шарқий худудлари билан чегараланиб, Днестр, Днепр каби йирик дарёлар ҳавзаларидаги ерлар унинг муҳим қисмларига айланган. Шарқда эса Ғарбий Сибир ва унинг атрофлари – Иртиш дарёси ва Балхаш кўли билан туташган Дашти Қипчоқ асосан кўчманчи ва ярим кўчманчи туркий ҳамда турк-мўғул элатлари яшайдиган худуд сифатида танилган.

Дашти Қипчоқнинг жанубий ва жануби-шарқий худудлари ушбу ўлканинг бошқа худудларига нисбатан барқарор бўлмаган. Бунга сабаб Дашти Қипчоққа тегиб турган Амударё – Сирдарё оралиғидаги худудлар Евроосиё минтақасидаги сиёсий ўзгаришлар бу ернинг чегараларига ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Масалан, Хоразмшоҳ-Ануштегинийлар, Амир Темур ва Темурийлар даврида Дашти Қипчоққа чегара ерлар асосан, Туркистон, Саврон, Сигноқ, Ўтрор, Тошкент ва Тароз шаҳарлари билан белгиланган. Тарихчи Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаъи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» асарида учрайдиган маълумотлар 1424-1426 йилларда юз берган тарихий воқеликлар мобайнида юқорида келтирилган шаҳар ва вилоятларнинг Дашти Қипчоқ худудига кирмагани англашилади[4].

Шу ўринда айтиб ўтиш керак, Абдураззоқ Самарқандий келтирган маълумотларда Туркистон ва Сигноқ вилоятлари Дашти Қипчоқдан алоҳида худуд сифатида ажратиб кўрсатилмоқда. Бундан кўринадики, бу даврга келиб (XVI аср) Дашти Қипчоқ чегаралари ўзгарган. Эҳтимол, кўчманчи ўзбек ва қозоқ хонликларининг ташкил топиши бу жараёнга таъсир кўрсатган бўлиши керак. Асарда урғу берилишича, Буроқ ўғлон Дашти Қипчоқдан Туркистон ва Сигноқ вилоятларига келган бўлиб, бу пайтда айтиб ўтилган шаҳар ва вилоятлар Чингизий сулолалар ва Темурийлар ўртасида тортишувли худудлар бўлган.

Қисқаси, Дашти Қипчоқ чегаралари, асосан, Амударё – Сирдарё оралиғи, яъни Марказий Туркистоннинг шимоли ҳамда Балхаш кўлидан тортиб то Дунай дарёсининг қуйи оқимлари ва Қора денгиз соҳиллари билан ҳамхудуд бўлиб, деярли минг йил давомида бу атама қўлланилишда давом этган. Кенг маънода Дашти Қипчоқ атамаси ғарби – Днестр ва Днепрбўйи қирғоқларидан бошланиб, шарқи – Ғарбий Олтойгача, шимоли – Евроосиё кенгликлари (Жанубий Рус, Ғарбий Сибир), жануби эса Қора денгизнинг шимоли, Шимолий Кавказ, Каспий денгизининг шимолий қирғоқлари, Орол денгизи теғраси, Сирдарёнинг ўрта ва қуйи ҳавзаларидан шимолдаги ерлар (Қоратов тоғининг шимоли)ни ўзи ичига олган улкан худудлар учун қўлланилган. Тор маънода эса кўпроқ ғарбда Қора денгизнинг шимоли-шарқидан бошлаб Ғарбий Олтойгача чўзилган Евроосиё дашт худудларини ўзи ичига олган Дашти Қипчоқ атамасига ривожланган ўрта асрларда пайдо бўлган атама сифатида қаралади.

Бу атама илк маротаба ўртага чиққан давр IX – X асрларга тўғри келиб, Сирдарё дарёсининг ўрта ва қуйи оқимидаги даштларда яшаган чорвадор кўчманчи ҳамда шаҳар ва қишлоқларда истиқомат қилган ўтроқ аҳолининг кўпчилик қисмини ўғуз турклари ташкил этиб, “Маҳфузат ал-ғузийа” (ўғузлар ўлкаси) деб аталган бу худуднинг шу асрларда қипчоқ турклари томонидан эгалланиши натижасида бу ерларга нисбатан “Дашти Қипчоқ” (қипчоқлар дашти) ишлатила бошлайди. Ўғузлар даврида Ўрта ва Қуйи Сирдарё билан Қорачуқ (Қоратов) тоғлари орасидаги Жанд, Янгикент, Сигноқ, Саврон, Ясси (Туркистон) ва ҳоказолар ўғузлар ери сифатида билинган бўлса[5], X асрлардан бошлаб бу атама ўрнини Дашти Қипчоқ атамаси эгаллайди ва ушбу географик тушунча асрлар ўтган сари кенгайиб, бир қатор қипчоқ хонликлари ва Чингизийлар (Жўчи улуси / Олтин Ўрда – 1240-1390) даврида юқорида келтирилган кенг маънони олади.

Зарафшон воҳасидаги дашти қипчоқлик этнослар билан боғлиқ жой номларининг шаклланишига катта таъсир қилган сиёсий ва этник жараёнлар асосан Дашти Қипчоқнинг марказий ва шарқий қисмларига тўғри келади. Волга – Уралбўйи, Ғарбий Сибир, Балхаш кўли атрофлари ва Оролбўйини ўз ичига олган ушбу худуд географик жойлашувига кўра Зарафшон воҳасига бирмунча яқин эди. Дашти қипчоқлик турли уруғларнинг Амударё –

Сирдарё оралиғига кўчишлари асосан учта йўналишда юз берган бўлиб, улар қуйидагича эди:

- 1) Оролбўйи орқали Хоразм воҳасига элтувчи йўналиш;
- 2) Сирдарёнинг қуйи ва ўрта ҳавзаларидан Нурота тоғлари бўйлаб Зарафшон воҳасига олиб борувчи йўналиш;
- 3) Сирдарёнинг ўрта ҳавзасидан Тошкент воҳаси орқали Хўжанд ва Фарғона водийсига олиб борадиган йўналиш.

Қадимги даврлар ва илк ўрта асрларда бўлганидек Темурийлар (1370-1507) даврида Дашти Қипчоқдан ҳар учала йўналиш бўйлаб Амударё – Сирдарё оралиғига интилишлар кучаяди. Кўп ҳолларда аҳолининг бу ҳудудга келиб жойлашуви билан тугаган бу жараёнлар баъзан сиёсий тус олиб, уруш-жанжаллар орқали амалга оширилса, баъзан эса тинч йўл билан кенг қўламли кўчишлар бўлиб тургани кузатилади. Ўрта асрларда, айниқса, Темурийлар даврида Дашти Қипчоқда ҳукм сурган бир қатор Чингизий сулолалар, айниқса, Абулхайр улуси (1428-1468) даврида чегара ҳудудларга ҳужум қила бошлайди[6]. Бунга сабаб Темурийлардан олдин Чиғатой улусига тегишли бўлган ҳудудларга даъво қила бошлаган Олтин Ўрда ва унинг ворислари бу ердаги ҳокимият уларга тегишли бўлгани ва уларга қайтарилиши кераклигини илгари суришлари эди. Аслида Дашти Қипчоққа туташ ҳудудда жойлашган Шимолий Хоразм, Сирдарёнинг қуйи ва ўрта ҳавзасидаги ўнлаб шаҳарлар бир вақтлар Жўчи ва Чиғатой улусларининг чегара ҳудудларини ташкил этган бўлиб, Амир Темур (1370-1402) ушбу чегара ҳудудларни эгаллаши натижасида Жўчи улусини ташкил этувчи Дашти Қипчоқнинг бир қисми, хусусан, Оролбўйидан Сайрамгача бўлган ҳудуддаги ўнлаб шаҳарлар Темурийлар давлати таркибига ўтган эди[7]. Ясси (Туркистон), Саврон, Сайрам чегара шаҳарлар Темурийлар томонидан тайинланган ноиблар томонидан бошқарилиб, уларнинг кўпчилиги ушбу ҳудудларда яшайдиган кўчманчи туркий уруғларга мансуб эди. Масалан, Туркистон шаҳри келиб чиқиши қипчоқ уруғидан бўлган ноиблар томонидан бошқарилган бўлиб, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг “Бобурнома” асарида бобоси онаси ҳақида “Юнусхоннинг онаси туркистонлик қипчоқ бекларидан” деб ёзади[8].

Дашти Қипчоқнинг Темурийларга қаршли ерларида чингизийлар ҳокимиятини қайтадан тиклаган Абулхайрхон (1428-1468) бошқаруви даврида Амударё – Сирдарё оралиғига, хусусан, Нурота тоғлари орқали Зарафшон воҳасига бир неча бор ҳарбий юришлар уюштирилади[9]. Бундай ҳарбий юришлар кўпинча яғмочилик характерида бўлиб, дашти қипчоқлик кўшинлар – турли кўчманчи туркий уруғлардан ташкил топган аҳоли вакиллари юришнинг муваффақиятли ёки аксинчалигидан келиб чиқиб, ё ўзлари яшайдиган ҳудудга қайтиб кетишар, ё бўлмаса, бу ерларда қолиб шу ҳудуддаги ҳукмдорлар хизматларига ўтишар эдилар.

Ўрта асрларда, айниқса, XVI – XVIII асрларда Амударё – Сирдарё оралиғи ва унга туташ ҳудудларга Дашти Қипчоқдан бўлган кўчишларни элатлар бўйича босқичма-босқич келтирадиган бўлсак асосан қуйидагича манзара кўзга ташланади:

1- босқич. XVI асрнинг бошларидан бошлаб кўчманчи ўзбек уруғларининг миграциялари. Минтақанинг кўпроқ Хоразм, Зарафшон, Тошкент Қашқа ҳамда Сурхон воҳалари ва Фарғона водийсига кўчишлар бўлди.

2- босқич. XVII – XIX асрлар оралиғида козоқ уруғларининг Тошкент воҳаси, Шимолий Хоразм ва Зарафшон воҳаларига миграциялари.

3- босқич. XVIII асрнинг ўрталарида қорақалпоқ уруғларининг Хоразм, Тошкент ва Зарафшон воҳаси ҳамда Фарғона водийсига кўчишлари.

Шу билан бирга, Дашти Қипчоқнинг қуйи ва ўрта Сирдарё оқимларидан, хусусан, Ясси (Туркистон) атрофларидан туркман уруғларининг Хоразм воҳасига бутунлай кўчиб кетиш жараёнлари юз берган. Шу ўринда айтиб ўтиш керак, Дашти Қипчоқнинг шимоли-ғарбий Каспийбўйи ҳудудларидаги Манғишлоқ ярим ороли атрофларида яшаган туркман уруғларининг Нурота воҳаси ва Зарафшон воҳасининг шимолий қисмларига кўчишлари ҳам бўлиб ўтган. Бироқ бу кўчишлар айнан қайси йилларда юз бергани унчалик аниқ эмас. Катта

эхтимол билан уларнинг бу кўчишлари XVIII асрдаги қалмоқ ва қозоқ хонликлари босими остида бўлиб ўтган.

Дашти Қипчоқдан Амударё – Сирдарё оралиғига миграция қилган туркий элатлар орасида ўзининг кўп сонли ва кенг қамровлиги билан ажралиб турадиган кўчманчи ўзбеклар билан боғлиқ маълумотлар ўз даврининг бир қатор туркий тилли асарларида сақланиб қолган бўлиб, улар орасида Ўтамиш Ҳожининг “Чингизнома”(XVI аср), Масъуд ибн Усмон Куҳистонийнинг “Тарихи Абулхайрхоний” (XVI аср), Абулғози Баҳодирхоннинг “Шажарайи турк” (XVII аср) асарлари алоҳида ўрин тутади. Шунингдек, Темурийлар адабий муҳитига тегишли Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома”, Муиниддин Натанзийнинг “Мунтахаб ат-таворих”, Ҳофиз Абрунинг “География” ва “Зубдат ат-таворихи Бойсунғурий”, “Муиз ал-ансоб”, Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома”, Мирзо Улуғбекнинг “Тарихи арбаъ улус”, Фасих Аҳмад Хавофийнинг “Мужмали Фасихий”, Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн”, Мирхонднинг “Равзат ас-сафо”, Захириддин Бобурнинг “Бобурнома”, Хондамирнинг “Ҳабиб ас-сияр”, Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий” асарларида[10] ҳам Дашти Қипчоқ ва бу ҳудуддаги сиёсий ва этник жараёнларнинг Амударё – Сирдарё оралиғидаги воҳаларга таъсири ҳақида бир қатор бирламчи маълумотлар ўрин олган.

Ушбу тарихий асарлар орасида Дашти Қипчоқдаги сиёсий ва этномаданий жараёнларни бирмунча кенг ёритган асар бўлмиш “Шажарайи турк” асари алоҳида ажралиб туради. Абулғози Баҳодирхон ўз асарида кўпроқ Қуйи Амударё ҳавзасига, умуман олганда, Хоразм воҳасига кўчган ўзбек уруғлари ҳақида сўз юритган бўлса-да, асарда ўрин олган айрим маълумотлар орқали минтақанинг бошқа ҳудудларига, хусусан, Хуросон ва Ўрта Осиёнинг ички ҳудудларига кўчишлар бўлганига гувоҳ бўлиш мумкин. “Ўзбек” атамасини кўпроқ Хоразм ҳукмдор сулоласи вакиллари ва хонликдаги ҳарбий тоифаларга нисбатан қўллаган Абулғози Баҳодирхон ўз асарида шу тариқа ёзади: “Бучғахонни Урганча келтируб хон кўтардилар... Бучғахон замонинда Бухорода Убайдхон (Убайдуллахон) бор эрди. Ул неча қаррат Хуросон устина бориб вилоятларни олди. Қолганини ўзбек ҳамиша йуртуб ўлжа-асир қилатурур эрди. Абивард, ва Насой (Нисо) ва Дарун Урганч ўзбегининг қўлунда эрди”[11]. Ушбу маълумотдан ўша кезларда “ўзбек” атамаси орқали бир неча сиёсий уюшмалар аҳолисининг бир қисми тушунилган бўлиб, “Урганч ўзбеги” деганда Хива хонлигининг бошқарувчи тоифаси ва ҳарбийлари ҳақида сўз боргани англашилади. Шунингдек, муаллиф Оролбўйидаги ўзбеклар ва уларнинг кўчишлари ҳақида ҳам бир неча ўринларда тўхталиб ўтган. Абулғози Баҳодион Бухоро ҳукмдори Убайдуллахоннинг (1510-1533) Хивага юриши тўғрисида “Урганчни Убайдхон Абдулазиз отлиғ ўғлини берди. Ул Урганчада туриб қолди. Сарт ва туркман барча раъиятнинг товукининг оёқин синдурмай ерли еридин тебратмади. Ўзбекнинг уруқин санади. Таки тўрт бўлди. Бир бўлагини Убайдхон, бирини Ҳисор тўралари, бирини Самарқанд тўралари ва бирини Тошкенд тўралари олди”деб ёзган бўлиб[12], ушбу маълумотдан Хоразм воҳасида муқимлашган кўчманчи ўзбекларни 4 қисмга бўлиб, уларнинг бир қисмини Бухорога, бир қисмини Ҳисор воҳасига, бир қисмини Самарқанд, бир қисмини Тошкентни бошқараётган бошқарувчи хонадон – Шайбонийлар сулоласи вакиллари тақсимлагани аён бўлади.

Бундан кўринадики, ўша кезларда Дашти Қипчоққа ҳудудий жиҳатдан яқин бўлган Хоразм воҳасида ўзбек уруғларининг катта қисми тўпланган бўлиб, Шайбонийлар бу ерда ўз ҳокимиятини ўрнатгач, уруғлар бўйича махсус тақсимот ўтказиб, уларни Ўрта Осиёнинг ички ҳудудларига – йирик воҳаларига кўчириш ишларини амалга оширганлар. Демак, Убайдуллахон даврида, яъни минтақада Темурийлар ўрнида Шайбонийлар сулоласи ҳукмронлиги ўрнатилган дастлабки ўнйилликларда минтақанинг бир қатор воҳаларига, шу жумладан, Зарафшон воҳасининг ўрта ва қуйи ҳавзаларига бир қатор ўзбек уруғлари кўчириб келинган. Буни юқорида Абулғози Баҳодирхон “бир бўлагини Убайдхон, ... бирини Самарқанд тўралари ... олди” мазмунидаги келтирган маълумотлар кўрсатиб турибди.

Асарининг айрим жойларида “Урганчнинг ўзбеки ва сарти” деган жумлани ишлатган[13] Абулғози Баҳодирхон келтирган ушбу маълумотдан англашилича,

Убайдуллахон Урганч марказли Хоразм ҳокимиятини қўлга киритган пайтларда бу ерда асосан ўтроқ аҳоли (Абулғози таъбири бўйича “сарт”) ва кўчманчилар (туркманлар) яшаб, “Ўзбек” деганда кўпроқ уруғ тизимига эга қабила-уруғлар ҳамда улардан ташкил топган сиёсий ва ҳарбий тоифа ёки аҳоли гуруҳи тушуниланган. Убайдуллахоннинг ўғли Абдулазизхон (1513-1550) ушбу ўзбекларнинг саноғини олгач, уларни 4 та қисмга бўлиб, бир қисмини отасининг олдига – Бухорога, иккинчи қисмини Ҳисор водийсининг Шайбонийлардан бўлган ҳокимларига, учинчи қисмини Самарқанддаги Шайбонийларга ва тўртинчи қисмини Тошкентдаги Шайбонийлар сулоласи вакилларига юборган. Бу даврда “Ўзбек” деганда кўпроқ ҳарбий тоифа – навкарлар тушунилганини асарда Хоразм ҳукмдорлари тилидан келтириб ўтилган “Урганчнинг ўзбеги менинг навкарим”, “Юрт излай борамиз, агар мадад берсанг, Тангри таоло юртни билга берса, сени тархон қилали, сўл ёқда ўрун берали. Яхшингни навкар қилали. Ўзбекнинг бир яхши уруғи нечук бўлса сен ҳам шундақ бўл”, теб, тўралар шарт қилдилар”, тақи юрудилар”[14]. Демак, XVI аср бошларида “Ўзбеклар” деганда кўпроқ сиёсий-ҳарбий уюшмани ташкил қилиб, асли дашти қипчоқлик бўлган ўнлаб уруғлар бирлашмаси кўзда тутилган. Урганч, яъни Хоразм ҳукмдорлари ҳам ушбу тоифага мансуб бўлиб, Шайбонийлар сулоласига қариндош бўлган.

Шу ўринда айтиб ўтиш керак, “Шажарайи турк”даги “ўзбеклар” билан боғлиқ келтириб ўтилган маълумотлардан англашилича, “дўрман”, “уйғур”, “найман” каби уруғлар ўзбек уруғларининг энг йириклари бўлган[15]. Абулғози Баҳодирхон ўз ҳукмронлиги даврида Хоразм воҳаси, хусусан, воҳанинг шимолидаги Қуйи Амударё – Оролбўйидаги ўзбек қабилаларининг бирдамлигини таъминлаш, улар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш ва бу ерда ўзаро муҳолифлик қилувчи 4 йирик уруғ (ёки қабила)ларни сиёсий маъмурий жиҳатдан “уйғур – найман”, “қангли – қипчоқ”, “қўнғирот – қият (қиёт) ва “нукузманғит” кўринишида иттифоқчи уруғ ўлароқ тақсимлайди. Шу тариха, у ушбу иттифоқчи уруғлардан бирор йирик амалдорни хонликдаги турли мансабларга тайинлайди. Юқори вазифага 4 та вакил (ҳар бир қабиладан биттадан) тайинланган бўлиб, 14 та майда уруғ, яъни “ўн тўртта уруғ” ўзбекларнинг тўртта йирик қабила бирлашмаларига бириктирилади[16]. Бу анъана қадимий туркий ёки ўрта асрлардаги турк-мўғул анъаналарининг ўзига хос акс этиши бўлиб, анъанага кўра, кўчманчи уруғлар ўзаро этник яқинлик, қўшничилик, қуда-андачилик ва ҳоказолар асосида муайян иттифоқ тузишган ва бирор янги ҳудудга кўчилган чоғларда ҳам муайян бир иттифоқ тузилар экан, олдинги анъаналар асосида бу каби ишларни йўлга қўйишган.

Абулғози Баҳодирхоннинг урғу бериб ёзишича, Манғит улуси, яъни Орол – Волга оралиғидаги Нўғой Ўрда бошқарувчи Шайнак мирзо, гарчи бирвақтлар Хоразмдаги Шайбонийлар сулоласи вакилларида бири – Ҳабаш Султон ёрдамида ўз улусида ҳокимиятини қўлга киритган бўлса-да, унга сиғиниб борган ушбу султонни қўлга олиб, Хоразмга – оғаси Асфандиёрхоннинг ёнига юборади. Асарда бу воқеа шу йўсинда келтириб ўтилади: “Асфандиёрхон Ҳабаш султонни келтургач ўлтурди. Ҳабаш, Элбарсдин ҳеч фарзанд бўлмади. Ҳабаш султонни ўлтургандин икки ойдин сўнг Асфандиёрхон уйғур, найманни қирди. Андин сўнг барча ўзбек бирлан ёв бўлди. Ўзбек уч(га) бўлинди. Бириси манғит, бириси қозоқ ва бириси Мовароуннаҳрга кетди. Уч йилдин сўнг уч тарафга боргандин Аму дарёсининг тенгизга бориб қуйган ерина беш эвлик, ўн эвлик кела-кела уч минг эвлик йиғилди. Бухорода турган Урганчдин саккиз юз эвлик йиғилиб кўчуб Кат устиндин уч минг эвлик ўзбекка қўшулмоқға боратурғанда Асфандиёрхон сувдин ўтуб, ул ўзбекнинг барчасини қирди”[17].

Ушбу маълумот ҳам кўчманчи ўзбекларнинг дастлаб Дашти Қипчоқда юз бериб, кейинчалик Амударё – Сирдарё оралиғидаги миграция жараёнларига таъсир қилган сиёсий ва этник жараёнларни тасаввур қилишда муҳим ўрин тутди. Гарчи Абулғози Баҳодирхон яшаган давр бирмунча кейинги асрларга тўғри келса-да, ўз асарини ёзишда кўплаб тарихий асарларга мурожаат қилган ушбу муаллиф ўзидан олдинги бир қатор манбаларда учрайдиган маълумотни келтирар экан ўша давр реал воқеликларини жонлантиргани кўзга ташланади. Айниқса, “Ўзбек уч(га) бўлинди. Бириси манғит, бириси қозоқ ва бириси Мовароуннаҳрга

кетди. Уч йилдин сўнг уч тарафга боргандин Аму дарёсининг тенгизга бориб куйган ерина беш эвлик, ўн эвлик кела-кела уч минг эвлик йиғилди” мазмунидаги маълумотдан кўчманчи ўзбеклар Дашти Қипчоқда яшар эканлар 3 та тоифага бўлингани, уларнинг бири “манғит”, иккинчиси “қозоқ” ва учинчиси “ўзбек” деб аталгани ҳақидаги бошқа асарларда ўрин олган маълумотни янада аниқлаштириб, улардан бир қисмининг Мовароуннахр, яъни Амударё – Сирдарё оралиғига кўчганликлари масаласига аниқлик киритади.

#### 4. Хулоса:

Қисқаси, ўрта асрларда, аниқроғи, XV – XVI асрларда Дашти Қипчоқдан Ўрта Осиёга, шу жумладан, Амударё – Сирдарё оралиғига бўлган миграция жараёнларини таҳлил қилиш орқали минтақа халқлари ижтимоий-сиёсий ва этномаданий ҳаётида қандай ўзгаришлар юз берганини кузатиш имконига эга бўлиш мумкин. Ўзаро кўшни бўлган ушбу худудлар халқлари минг йиллар давомида бир-бири билан чамбарчас боғлиқ воқеликларни бошдан кечирган. Милоддан олдинги мингйилликларда бошланган бу жараёнлар ўрта асрларга келиб янада кенг кўламлилиқ касб этган. Айниқса, Абулхайрхон томонидан қурилган кўчманчи ўзбек улуси – 1428-1468 йиллар ва ундан кейинги Шайбонийлар (1501-1601) даврида Волга – Оролбўйи, Сирдарёнинг қуйи ва ўрта оқимларида кўчманчи ҳаёт кечирган кўплаб туркий уруғларнинг Амударё – Сирдарё оралиғига келиб жойлашувлари минтақа аҳолиси таркибида катта ўзгаришлар бўлишига олиб келган. Ҳар иккала худуднинг этник жиҳатдан умумийликка эга аҳолиси ўзаро яқинлашиб, аралашиб бориши натижасида ҳам маҳаллий халқларнинг консолидация жараёнлари кучайган.

#### Иктибослар/Сноски/References:

1. Султанов Т.И. Опыт анализа традиционных списков 92 «племен илатийа» // Средняя Азия в древности и средневековье. – М.: Наука, 1977. – С. 165-176; Султанов Т.И. Кочевые племена Приаралья в XV-XVII вв. (вопросы этнической и социальной истории). – М., 1982; Трепавлов В.В. История Ногайской Орды. – Казань, 2016. – С. 422-496. (1. Sultanov T.I. An attempt to analyze traditional lists of 92 “Ilatiya tribes” // Central Asia in ancient times and the Middle Ages. – М.: Nauka, 1977. – P. 165-176; Sultanov T.I. Nomadic tribes of the Aral Sea region in the 15th-17th centuries (issues of ethnic and social history). – М., 1982; Trepavlov V.V. History of the Nogai Horde. – Kazan, 2016. – P. 422-496.)
2. Баскаков Н.А. Имена половцев и названия половецких племен в русских летописях //Тюркская ономастика, Алма-Ата, 1984. –С. 65 (Baskakov N.A. The names of the Polovtsians and the names of the Polovtsian tribes in Russian chronicles //Turkic onomastics, Alma-Ata, 1984. –P. 65); Bregel Y. An historical atlas of Central Asia. Handbook of Oriental studies. Section eight Central Asia. – Leiden – Boston, 2003. – P. 22-30.
3. Плетнева С.А. Печенеги // Исчезнувшие народы: Сборник статей (по материалам журнала “Природа”) / Сост. канд. филос. наук С.С. Неретина. Под. Ред. Д-ра ист. наук П.И. Пучкова. – М.: Наука, 1988. – С. 35-46. (3. Pletneva S.A. Pechenegs // Disappeared peoples: Collection of articles (based on materials from the journal “Nature”) / Comp. Cand. of Philosophical Sciences S.S. Neretin. Ed. by Dr. of Historical Sciences P.I. Puchkov. – Moscow: Nauka, 1988. – P. 35-46.)
4. Самарқандий Абдураззоқ. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. II Жилд. 1 қисм. 1405-1429 йил воқеалари /Форс тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳли луғатлар муаллифи А. Ўринбоев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008 (4. Samarkandi Abdurrazaq. Matlai sa'dayn va majmai bahairyn. Volume II. Part 1. Events of 1405-1429 / Translated from Persian, with a preface and explanatory dictionaries by A. Urinbaev. – Tashkent: Uzbekistan, 2008).
5. Кошғарий **Ошибка! Закладка не определена.** Маҳмуд. Туркий сўзлар девони (Девону-луғот ит-турк) / Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. М. Муталлибов. 3 томлик. 1-том. – Тошкент: Фан, 1960. – Б. 439, 450; Агаджанов С. Г. Очерки истории огузов и туркмен Средней Азии IX – XIII вв. – Ашгабад: Ёлым, 1969. – С. 226-230 (5. Koshgari Mahmud. Dictionary of Turkish words (Devonu-lug'ot it-Turk) / Translator and publisher S. M. Mutallibov. 3

roofs. Roof 1. - Tashkent: Science, 1960. - B. 439, 450; Agadjanov S. G. Ocherki istorii Oguzov i Turkmen Sredney Azii IX-XIII vv. - Ashgabat: Ylym, 1969. – P. 226-230.

6. Ахмедов Б.А. Государство кочевых узбеков. – М.: Наука, 1965. – С. 8-17; Султанов Т.И. Опыт анализа традиционных списков 92 «племен илатийа». – С. 165-176. 6. Akhmedov B.A. State of nomadic Uzbeks. – М.: Nauka, 1965. – P. 8-17; Sultanov T.I. Experience of analysis of traditional lists of 92 “Ilatiya tribes”. – P. 165-176.).

7. Bregel Y. An historical atlas of Central Asia. Handbook of Oriental studies. Section eight Central Asia.– P. 40-42.

8. Бобур, Захириддин Мухаммад. Бобурнома. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. – Тошкент: Юлдузча, 1989. – Б. 12. (Babur, Zahiruddin Muhammad. Boburnama. Prepared by P. Shamsiev. - Tashkent: Yulduzcha, 1989. – B. 12.)

9. Ахмедов Б.А. Государство кочевых узбеков. – С. 17, 20. (Akhmedov B.A. State of nomadic Uzbeks). – P. 17, 20.

10. Бўриев О. Темурийлар салтанати тарихига оид асарлардаги географик маълумотлар (Марказий Осиё). / Тўплам: Амир Темур ва Темурийлар даври ренессанси хорижий тадқиқотларда. Тузувчилар: О.Бўриев, С.Ўлжабоева. – Тошкент: ‘Akademnashr’, 2016; Бўриев О. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё тарихий географияси. – Тошкент: Mumtoz so ‘z, 2017; Бўриев О. Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома” асарининг Ўзбекистонда ўрганилиши // Амир Темур ва Темурийлар давридаги илм-фан ва маданият ривожининг жаҳон тамаддунидаги ўрни. Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: “Mashhur-press” 2017. – Б. 29-36; Имомов Х. “Равзат ус-сафо” асаридаги географик маълумотлар / “Шарқ машъали”, Тошкент давлат шарқшунослик институти илмий-услубий, маърифий жур-нали. – Тошкент, 2017. № 1. – Б. 51-54 (Buriev O. Geographical information in works on the history of the Timurid empire (Central Asia). / Collection: Amir Temur and the Renaissance of the Timurid era in foreign studies. Authors: O. Buriev, S. Uljaboeva. – Tashkent: ‘Akademnashr’, 2016; Buriev O. Historical geography of Central Asia in written sources of the Timurid era. – Tashkent: Mumtoz so ‘z, 2017; Buriev O. Study of Sharafuddin Ali Yazdi’s work “Zafarnoma” in Uzbekistan // The role of the development of science and culture in the era of Amir Temur and the Timurids in world civilization. Materials of the Republican scientific and practical conference. – Tashkent: “Mashhur-press” 2017. – P. 29-36; Imomov Kh. Geographical information in the work “Rawzat us-safo” / “Sharq Mashali”, scientific-methodical, educational journal of the Tashkent State Institute of Oriental Studies. – Tashkent, 2017. No. 1. – P. 51-54).

11. Абулғозий. Шажарайи турк. Масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи Б. Ахмедов. Нашрга тайёрловчилар: Қ. Муниров, Қ. Маҳмудов. – Тошкент: Чўлпон, 1992. – Б. 128. (Abulghazi. Shajarayi Turk. Editor-in-chief and author of the foreword B. Akhmedov. Preparers for publication: K. Munirov, K. Mahmudov. – Tashkent: Chulpon, 1992. – P. 128.)

12. Абулғозий. Шажарайи турк. – Б. 134 (Abulghazi. Shajarayi Turk. – P. 134).

13. Абулғозий. Шажарайи турк. – Б. 138 (Abulghazi. Shajarayi Turk. – P. 138).

14. Абулғозий. Шажарайи турк. – Б. 135, 138 (Abulghazi. Shajarayi Turk. – 135, 138).

15. Абулғозий. Шажарайи турк. – Б. 134, 140 (Abulghazi. Shajarayi Turk. – P. 134, 140).

16. Абулғозий. Шажарайи турк. – Б. 135 (Abulghazi. Shajarayi Turk. – B. 135).

17. Абулғози Баҳодирхон. Шажарайи турк. – Б. 166-167 (Abulghazi. Shajarayi Turk. – P. 166-167).

# ЎТМИШГА НАЗАР

8 ЖИЛД, 1 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 8, НОМЕР 1

LOOK TO THE PAST

VOLUME 8, ISSUE 1

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

ООО Тадqiqот город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000